
ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Зияева Холида Омонкул қизи,
Ўзбекистон Миллий Университети таянч докторанти
e-mail: tas_tas1988@mail.ru

МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-6-10>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маиший зўравонлик муаммоси, оилада аёлларга нисбатан зўравонликни келтириб чиқарувчи турли сабаблар, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йилда қабул қилган Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида декларацияда кўриб чиқиладиган зўравонликнинг халқаро таърифлари, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг "Соғлиқни сақлаш ва зўравонликка бағишланган" хисоботидаги зўравонлик атамасига турлича қарашлар ўз ифодасини топган.

Маиший зўравонликка оид жаҳон тажрибасидан бир неча атамалар, хусусан: "domestic violence", "Spouse abuse", газлайтинг яъни аёлни руҳий касал деб кўрсатиш, сталкинг-қўрқитиш, шахсий ҳаётига аралаштириш, уни ўз жонига қасд қилишига олиб борувчи ҳолат эканлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, зўравонликнинг жисмоний зўравонлик, руҳий зўравонлик, жинсий зўравонлик ва иқтисодий зўравонлик каби турлари, бугунги кунда хориж тажрибасида хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тадқиқ этишга қаратилган усуллар ва назариялар ўз ифодасини топган. Р.Джиллес ва М.Страус (1979) томонидан маиший зўравонликнинг ижтимоий-маданий, сиёсий, маиший-иқтисодий, индивидуал-психологик гуруҳларга кўра бўлиниши таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: оиладаги зўравонлик, аёлини калтаклаш, турмуш ўртоғига тажовуз қилиш, жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий зўравонлик; газлайтинг, сталкинг, виктимнологик усул, ижтимоий ўқитиш, келишмовчилик, структура -(келиб чиқиш) назарияси.

Зияева Холида Омонкуловна,
Базовый докторант Национального Университета Узбекистана
e-mail: tas_tas1988@mail.ru

АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ДОМАШНЕГО НАСИЛИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются проблемы домашнего насилия, различные причины насилия в отношении женщин в семье, международный уровень насилия, о котором говорится в Декларации Генеральной Ассамблеи ООН о насилии в отношении женщин 1993 года, Доклад Всемирной организации здравоохранения о здоровье и насилии. Существуют разные взгляды на термин насилие.

Мировой опыт домашнего насилия был проанализирован по нескольким терминам, включая "домашнее насилие", "жестокое обращение с супругой", газификацию, то есть психически больную

женщину, преследующую, запугивающую, вмешивающуюся в ее личную жизнь и совершающую самоубийство. В нем также рассматриваются формы насилия, такие как физическое насилие, психическое насилие, сексуальные домогательства и экономическое насилие. Р. Жиль и М. Штраус (1979) проанализировали распределение бытового насилия по социально-культурным, политическим, бытовым, экономическим, индивидуально-психологическим группам.

Ключевые слова: домашнее насилие, насилие в отношении супруга, избивание жены, физическое, психическое, сексуальное, экономическое насилие; газлайтинг, сталкинг, виктимологический метод, социальное обучение, теория разногласий, структура - (происхождение) теория.

Ziyayeva Kholida Omonkulovna,

Basic doctoral student at the National University of Uzbekistan

e-mail: tas_tas1988@mail.ru

ANALYSIS OF SOCIAL FEATURES OF HOME VIOLENCE

ANNOTATION

This article addresses the problem of domestic violence, the various causes of violence against women in the family, the international rates of violence addressed in the 1993 UN General Assembly Declaration on Violence Against Women, the World Health Organization's Report on Health and Violence. There are different views on the term violence.

The global experience of domestic violence has been analyzed by several terms, including "domestic violence", "Spouse abuse", gasification, that is, a woman who is mentally ill, stalking, intimidating, interfering in her privacy, and committing suicide. It also addresses the forms of violence such as physical violence, mental violence, sexual harassment and economic violence. R. Gilles and M. Strauss (1979) analyzed the distribution of domestic violence by socio-cultural, political, household, economic, individual-psychological groups.

Keywords: domestic violence, spouse abuse, wife battering, physical, mental, sexual, economic violence; gasification, stalking, viktimological method, social teaching, disagreement theory, structure - (origin) theory.

Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди, давлат ва жамиятда туб ислоҳотлар амалга оширилди. Умуминсоний қадриятларга асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, жаҳон тамаддунига монанд муносиб турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар тизимли амалга оширилиб келинмоқда жамиятимизда катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 2 июлдаги ПҚ 3827-сонли "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарорни имзолаши бу муаммоларнинг нақадар жиддий эканлигини исботлади [1]. Ушбу Қарорда оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири этиб, жамиятда оилавий-маиший тусдаги зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш белгиланган. Конституция ва қонунларимизда умумэътироф этилган, халқаро ҳуқуқий нормаларда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шахсинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш амалга ошириладиган ислоҳотларнинг диққат марказида туради.

Маиший зўравонлик доимо долзарб муаммо бўлиб келган. Зеро, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни доим ҳам ҳуқуқий томондан назорат қилишнинг имкони йўқ. Сабаби аксарият ҳуқуқбузарликлар яширин тарзда, одамлар нигоҳидан пана бўлган, жамоат жойи ҳисобланмайдиган уй-жойларда содир этилади.

Халқаро миқёсда оиладаги зўравонлик дастлаб БМТнинг аёллар аҳволи бўйича 1995 йил 4-15 сентябрда Пекин шаҳрида ўтказилган Тўртинчи Бутунжаҳон конференциясида кенг муҳокама қилинган эди [2, б. 144].

"Зўравонлик" атамасининг ўзидаёқ салбий маъно бор. БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йилда қабул қилган Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида декларациясида кўриб чиқиладиган атамга қуйидагича таърифлар берилди: 2-модда: "Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик" қуйидагиларни қамраб олувчи, лекин улар билан чекланмайдиган атама: а) оилада калтаклаш, аёл жинсига мансуб болаларни йўлдан уриш, сеп билан боғлиқ зўравонлик, эр-хотинга нисбатан жинсий зўравонлик, аёллар жинсий органларига шикаст етказиш ва аёлларга зарар етказувчи бошқа анъанавий ҳаракатлар, шунингдек, эксплуатация билан боғлиқ эр-хотинликка оид бўлмаган жисмоний зўрлаш ёки руҳий зўравонлик; [3]. б) жамиятнинг доимий ячейкаларида содир бўладиган жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонлик: иш жойида, таълим муассасаларида ёки бошқа жойларда зўрлаш, йўлдан уриш, жинсий таъқиб, ҳамда хотин-қизлар савдоси ва фоҳишалikka мажбур қилиш; в) қаерда содир этилишидан қатъий назар, давлат томонидан рағбатлантириладиган ёки қораланадиган жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонлик" [4, б. 22].

Зўравонлик - шахсга нисбатан оғриқ, зарар (шикаст) етказиш ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг "Соғлиқни сақлаш ва зўравонликка бағишланган" ҳисоботида зўравонликка тўлиқ таъриф берилган. Ҳисоботда ўз-ўзига шикаст етказиш, ўзаро ёки жамоавий, жисмоний, жинсий, психологик зўравонлик етарлича эътиборнинг йўқлигидан келиб чиқиши айтиб ўтилади. Аёлларга нисбатан зўравонлик БМТнинг таърифича, "жисмоний, жинсий ёки психологик (маънавий) шикаст етказиб қолмай, балки уларнинг ижтимоий ёки шахсий ҳаётида жинсий хатти-ҳаракатлар қилишларига мажбур қилади" [5, б. 243-251].

Оилада содир этиладиган зўравонлик кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги тажовузкорликда намоён бўлади.

Зўравонлик - қонун билан таъқиқланган маънавий, руҳий ва жисмоний зарар етказувчи ҳаракатларни шахс хоҳиш иродасига қарши равишда амалга оширишдир [6, б. 405]. "Зўравонлик" зўравонларга хос хатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш, ўзгаларга қонунсиз равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи, жисмоний бақувватлик, кучлилиқ, улканлик, шиддатлилиқ, деб эътироф этилади [7, б. 167-168].

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув оилани жамият асосидаги гуруҳ, деб тан олади ҳамда шахсни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қилади [8, б. 61]. Хусусан, 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси катта тарихий аҳамиятга молик бўлиб, унда инсон, унинг қадр-

қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида юксак баҳоланади [9, б. 32]. Унинг 1-моддасида одамларнинг қадр-қиммат ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларда тенг бўлиб туғилишлари, бир-бирларига биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари, 2-моддасида уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишлари, айирмачилик қилмасликлари, 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгаллиги, 4-моддасида ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмаслиги, 5-моддасида ҳеч кимнинг қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги, 12-моддасида ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, унинг номус ва шаънига тажовуз қилиш мумкин эмаслиги ёхуд шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниши, 16-моддасида эса балоғат ёшига етган эркеклар ва аёллар ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуришга ҳақли эканлиги каби ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги декларациянинг 13-моддасида давлат фуқароларни ҳаёти, соғлиғи, шахсий эркинлиги ва хавфсизлигига бўладиган ғайриқонуний тажовуздан муҳофаза қилади, деб қатъий белгилаб қўйилган. Аёлларга нисбатан зўравонлик эркек ва аёллар орасидаги тенгсизликка бориб тақалади. Бу тенгсизлик муаммоларни ҳал этишда асрлар оша давом этиб келди. 1981 йили аёллар ҳуқуқи билан шуғулланувчи фаоллар таклифи билан 1961 йилнинг 25 ноябрида опа-сингил Мирабаллар қатл этилган кунни аёлларга зўрлик ишлатилишига қарши кун, деб ҳисоблаб чиқдилар. БМТ бош ассамблеяси 1999 йилнинг 25 ноябрини "Халқаро аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилишига қарши кун", деб қарор қилди [10]. Бу қарор халқаро ҳаракатнинг ривожланишига, зўравонликнинг тугатилишига айнақса, "Гендер зўравонликка қарши 16 кун" ҳаракатига(акция) жавоб бўлди [11, б. 26-28].

Аёлларга нисбатан зўравонлик дунёни барча мамлакатларида мавжуд. Ўртача ҳар учинчи аёл ҳаётида бир мартаба бўлса ҳам зўрликка ёки ўзига нисбатан кўпол муомалага учраган. Оиладаги зўравонликнинг амалга оширилишига эркекнинг ўзига ишончи йўқлиги, ўзини заиф аёл олдида мавқеини мустаҳкамлаш сабаблари асос бўлиб ётади. Аксарият ҳолларда зўрлик рашкчи, кўпол ва (психик) руҳий касалликка учраган (эркеклар) томонидан амалга оширилади.

Мана шу фактларни ҳисобга олган ҳолда, маиший зўравонлик тушунчасига қуйидагича таъриф келиб чиқади: кундалик турмушда оиланинг (никоҳнинг расмий рўйхатга олинганлигидан, никоҳдан ажралиш қайд этилган ёки этилмаганлигидан қатъий назар) бир ёки бир неча аъзолари томонидан бошқа бир аъзоси ёхуд бошқа шахснинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, ор-номуси, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан қўриқладиган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши жисмоний, руҳий, иқтисодий таъсир кўрсатиш ёки уни мунтазам қўллаш билан кўрқитишда ифодаланадиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Оила аъзолари зўравонликнинг бошқа турларига нисбатан руҳий ёки жисмоний зўравонликдан кўпроқ жабр кўрадилар.

Олимларнинг тадқиқотларида оиладаги зўравонликка таалуқли бир неча атамалар мавжуд. Масалан, "domestic violence" атамаси оила аъзоларининг бири иккинчисига нисбатан кўрсатган зўравонлигига қаратилган (болаларга, эрининг аёлига, ота-онасига ва бошқа яқинлари назарда тутилмоқда) [12].

"Spouse abuse" атамаси фақат эр-хотин орасидаги муносабатларда, "Wife battering" атамаси "аёлини калакалаш" деган маънода қўлланилади. Бу атамаларнинг хилма-хиллиги бу муаммонинг долзарблигини ва унга катта аҳамият берилиши кераклигини кўрсатади [13].

Аёллар оиладаги зўравонликка бир неча сабабларга кўра чидаб келадилар: яшаш шароити, иқтисодий қарамлик, эрга эмоционал боғлиқлик, руҳий сабаблар ва бошқалар. Аксарият ҳолларда аёл жабрловчининг таъқибидан, болаларидан маҳрум қилинишидан кўрқиб, зўравонликка чидаб яшайди. Аёлнинг зўравонликка чидаб яшашининг асосий сабаби - фарзандларига "Ота"нинг кераклигидир. Аёл оиладаги бу ҳаётнинг мақсадсизлигини, зўравонликни ўзига касб қилган шахс билан яшаш унга ҳеч енгиллик олиб келмаслигини тушуниб етмайди ва ҳаёт шу зайлда давом этиб соғлиқ ва умр бемақсад тугаб бораверади [14].

Зўравонлик комплекс шаклдаги ҳодиса бўлгани сабабли, фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ, тарих, психология, социология фанлари нуқтаи назаридан ўрганилади. Унинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1) жисмоний зўравонлик - кундалик турмушда оиланинг бир ёки бир неча аъзолари томонидан бошқа бир аъзоси ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, ор-номуси, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши мунтазам жисмоний куч ишлатиш ёки уни қўллаш билан кўрқитишда ифодаланадиган турли даражада тан жароҳатлари етказиш, қийноққа солиш ва бошқа;

2) руҳий зўравонлик - кундалик турмушда оиланинг бир ёки бир неча аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг ёхуд бошқа шахснинг ор-номуси, қадр-қимматини таҳқирлаш, камситиш, ҳақоратлаш, обрўсини тушириш, доимий танқид қилиш, унинг туйғуларига беписанд ёки бепарво муносабатда бўлиш, ишончини суистеъмол қилиш, кўрқитиш, қариндошлар ўртасида обрўсини тўкиш, уйдан ҳайдаш ёки уйдан чиқариб юбориш билан кўрқитиш каби йўллар орқали унинг ҳаёти ва соғлиғига хавфли бўлган руҳий таъсир кўрсатиш;

3) жинсий зўравонлик - кундалик турмушда оиланинг бир ёки бир неча аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг ёхуд бошқа шахснинг ор-номуси, қадр-қиммати ва жинсий эркинлигига қарши уни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш мақсадида жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига таҳдид қилиш ёки уни қўллаш, шу жумладан, жинсий алоқанинг ғайритабиий шакллари талаб қилиш, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш ва ҳоказо.

4) иқтисодий зўравонлик - кундалик турмушда оиланинг бир ёки бир неча аъзолари томонидан бошқа бир аъзосининг ёхуд бошқа шахсни турли хил баҳоналар билан пул ва буюмлардан фойдаланишга қонуний ҳақи бўлса-да, ундан маҳрум қилиш.

Аёлларга нисбатан бўлган зўравонликка унча аҳамият берилмаганлиги туфайли уни инсон ҳуқуқларини ва озодликнинг бузилиши, деб қаралмас эди. Лекин, жамиятнинг ривожланиши, қарашлар хилма-хиллиги натижасида зўравонликдавр муаммосига айлана бошлади [15, б. 33-46].

1994йилда бўлиб ўтган Халқаро "Аёллар-оила-жамият" Конгрессида ҳам аёлларга нисбатан зўравонлик масаласига алоҳида эътибор қаратилган ва зўравонлик турларига таъриф берилган эди. Руҳий зўравонликнинг яна бир кўриниши аёлни фарзандлари олдида камситиб, уни болалари олдида айбдор эканлигини ҳис этишга мажбур қилишдир. Бу зўравонлик турининг энг хавфли

кўриниши газлайтинг - аёлни руҳий касал деб кўрсатиш, сталкинг - кўрқитиш, шахсий ҳаётига аралаштиш, уни ўз жонига қасд қилишига олиб боровчи ҳолат, деб номланади.

Ҳозирги пайтда маиший зўравонликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб берадиган ягона фикр йўқ. Асосий баҳс психологик назария тарафдорлари ва ижтимоий сабабларни илгари сурувчи социологлар орасидаги мунозарага бориб тақалади. Психологлар зўравонликнинг ўсишидаги асосий роль инстинктлар бошқарувининг пасайиши, ҳужумкорлик, алкоголизм ва психопатологияда, деган фикрни илгари суришса, ижтимоий сабабларни ёқловчилар эса, зўравонликнинг келиб чиқиши маданий ва маиший патриархал тизимда, деб биладилар. Зеро, бу тизим эркак мақомини юқори кўяди.

Р.Джиллес ва М.Страус (1979) ўз тадқиқотларида 15 та назарий ҳолатни ишлаб чиқиб, зўравонликни келтириб чиқарувчи барча вазиятларни аниқлаб берувчи ягона назария йўқ, деган хулосага келганлар. Бу вазиятларни таснифлашда ҳар бир оиланинг индивидуал хусусиятлари, ижтимоий ҳамкорлиги ва оила аъзоларининг турли хулқ-атворларини инобатга олиш кераклигини уқтирадилар. Шунга қарамай, маиший зўравонликни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий-маданий (жинс орасидаги муносабат ва аёл ва болаларга қаратилган зўравонлик, жамиятнинг патриархаллиги, тарбиянинг гендорлиги, зўравонликнинг авлоддан-авлодга ўтиши).

2. Сиёсий (жамиятда гендер тенг ҳуқуқликнинг йўқлиги, маиший зўрликни бартараф этишга қаратилган Қонуннинг йўқлиги, жабрланувчига ва ҳужумкорга кўрсатиладиган самарали ёрдамнинг йўқлиги ва ҳ.к.з).

3. Маиший иқтисодий (ишсизлик ўсиб бориши; маошнинг пастлиги; эркакдан иқтисодий қарамлиги, уй-жой шароитининг талабга жавоб бермаслиги; алкоголизмнинг юқорилиги, стресс ҳолатининг юқори даражада эканлиги, аёлнинг иш ва оила вазифалари билан бандлиги)

4. Зўравонликка ружу қўйиш, ТВ да зўравонликни кўрсатиш, анъанавий гендер нормалари, интернет, компьютер ўйинлари, ОАВ даги "янгилик"лар, жамиятнинг зўравонликка бўлган қаршилигининг сусайиши.

5. Индивидуал-психологик (муаммоли можароларни ҳал эта олмаслик, ўз ҳужумкорлигини жиловлай олмаслик, эркакнинг биологик ҳужумкорликка мойиллиги, болалиқдаги психологик жароҳатлари, ота-она томонидан кўрсатилган зўравонликлар, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги, руҳий қарамлик, руҳий касалликлар ва ҳоказо).

ХССТ (ВОЗ) нинг 2003 йилда "Зўравонлик ва унинг соғлиққа зарари" мавзидаги маърузасида индустриал ривожланган давлатлар ва ривожланаётган давлатлардаги тадқиқотларда зўравонликни келтириб чиқарувчи сабаблар санаб ўтилди:

- эркакка бўйсунмаслик;
- баҳслар;
- овқат, ўз вақтида тайёрланмаганлиги;
- болалар ва уйга эътиборнинг камлиги;
- эрнинг маоши ва унинг аёл танишлари ҳақида сўраш;
- эрининг руҳсатисиз бирон жойга кетиш;
- эркакка жинсий алоқа қилишга монелик қилиш;
- аёлни ҳиёнаткорликда гумон қилиш.

Шуни айтиш жоизки, зўравонликка қаратилган ҳужжатларда турли давлат жамоатчилиги зўравонлик сабабларини "адолатли" ва "адолатсиз" га ва зўрлик даражаларини эса "мақбул" ва "номақбул"га ажратадилар.

Бугунги кунда хориж тажрибасида хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тадқиқ этишга қаратилган қуйидаги усуллар ва назариялар мавжуд:

Виктимиологик усул - аёл киши ўзини тутиши, хулқ-атвори билан зўравонликни ўзи келтириб чиқаради. Немис тадқиқотчиси Шнайдернинг таъкидлашича, жабрланувчи (аёл) ва жабрловчи орасидаги алоқанинг ўзаро ҳаракатига боғлиқ. Бу шароитда Шнайдер зўравонликнинг 3 та поғонасини кўрсатиб ўтади: 1-поғона - жабрланувчининг жабрловчи устидан қаттиқ назорат қилиниши; 2-поғона - зўравонлик амалга оширилиши; 3-поғона - жабрланувчининг жабрловчига қарамлиги ва шу сабабдан жабрловчи жазодан қутилиб қолиши ва бу ҳолат янада такрорланишига олиб келади.

Ижтимоий тушунтириш назариясига кўра эркак шахсининг ривожланиши атроф-муҳитнинг таъсирида ортиб боради. Бу йўналиш М.Кауфманнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Кауфманнинг таъкидлашича, инсон зоти келиб чиқишидан қатъий назар у зулмкор эмас. Инсон ўзига эътибор кўрсатишларини жамиятдан талаб қилади. Шу ҳолат уни агрессивлаштиради. Зўравонлик унинг ҳис-туйғуларини ифода этишига, ёрдамга муҳтож эканини ифодалашга, аёл кишини ўзига тобе қилишига қурол бўлиб ҳисобланади.

Айрим тадқиқотчилар эса келишмовчилик назариясини илгари суриб, зўравонлик қарашларнинг қарама-қаршилигига асосий занжир, деб ҳисоблайдилар. Леонард Берковицнинг "Зулм сабаблари, оқибати ва назорат" асарида оиланинг ижтимоий ва маданий асосларига аҳамият бериб, шундай хулосага келди: "қўполлик янада қўполликка, томонларнинг агрессив ҳаракати иккинчи томоннинг агрессив ҳолатини келтириб чиқаради".

Структура - (келиб чиқиш) назарияси - патриархат даврига бориб тақалади. Ж.Хирн таъкидлашича, эркакнинг ҳокимият билан алоқаси эркак кишининг зўравонлиги билан боғлиқ. Жинойтчиларнинг аксарияти эркаклар эканлиги, уларнинг зулмга, жинойтга мойиллиги патриархатга бориб тақалади.

Эр-хотин ўртасидаги зўравонликни 4 та турга бўлиш мумкин: психологик (руҳий, маънавий), иқтисодий, жисмоний ва жинсий. Буларнинг ичида жисмоний куч ишлатиш жисмоний зўравонликнинг кўринишидир. Оиладаги зўравонликни аниқлаш ва унинг қай ҳолатда бажарилганини аниқлаш керак. Масалан: эр-хотинини дўппослаб урдими, туртиб юбордими ё бирон нарсани унга қарата отдими? Бу ҳолатларни аниқлаш - жабрланувчини қай даражада жабрланганини билдиради [16].

Зўравонликка тааллуқли барча назариялар бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Агар оилада жисмоний зўрлик бўлса, у нафақат жисмоний оғриқ етказиб қолмай, руҳий оғриққа олиб келади. Иқтисодий зўрлик эса назоратнинг кучайишига асосланган. Жинсий зўрлик жисмоний жароҳат ва унинг оқибатларига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳар бир даврда ва ҳар бир давлатда зўравонликнинг у ёки бу кўриниши яширин ва ошкора ҳолда намоён бўлган. Лекин, зўравонликка бўлган муносабат турлича бўлганлигини кўриб чиқдик. Бу эса бизга зўравонликнинг долзарб ва бугуннинг энг нозик, ўрганилиши ва мунозара қилиниши керак бўлган масала эканини кўрсатади.

Адабиётлар

1. www.lex.uz
2. Сборник материалов по итогам Неправительственных Региональных Консультаций со Специальным Докладчиком ООН по проблеме насилия в отношении женщин, его причинах и последствиях Якин Эртюрк, Насилие в отношении женщин: опыт стран Восточной Европы, Центральной Азии и России / Под ред. М. Писклаковой и А. Синельникова. - Москва, 2008. - 144с.
3. Декларация о Ликвидации Насилия над Женщинами, 1993.
4. "Мир свободный от насилия", Бишкек, 1999, с.22
5. Strom I.F., Thoresen S., Wentzel-Larsen T. et al. Violence, bullying and academic achievement: A study of 15-year-old adolescents and their school environment, 2013. Vol. 37, no. 4, pp. 243-251.
6. Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари психологияси: Ўқув қўлланма. - Т., 2008. - Б. 405.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т., 2009. - Б. 167-168.
8. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. - Т., 2009. - Б. 61.
9. Фуломова С. "Ҳидоя" ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги уйғунлик масалалари // Демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - 2008. - №4. - Б. 32.
10. World report on violence and health. Geneva, World Health Organization, 2002.
11. Sethi D, Racioppi F, Baumgarten I, Vida P Injuries and violence in the European Region: why they matter and what can be done, World Health Organization, Regional Office for Europe, in press.2002. pp.26-28.
12. Ukraine: Domestic Violence - Blaming the Victim. AmnestyInternational, AIndex: EUR 50/005/2006 (21 ноябрь 2006).- (на английском). Проверено 15 мая 2010. Архивировано 10 сентября 2008 года.
13. <http://womensation.org>.
14. Богданова О.И., Ерёмченко Т.С., Тиранен В.А. Насилие над женщинами // Вопросы современной юриспруденции: сб. ст. по матер. VI междунар. науч.-практ. конф. Часть I. - Новосибирск: СибАК, 2011.
15. Craig W., Harel-fisch Y., Fogel-grinvaldH., et al. Across-national profile of bullying andvictimization among adolescents in 40 countries // International Journal of Public Health. 2006;21:33-46.
16. Опыт и стандарты, используемые в международной практике, по вопросам защиты женщин от насилия: программа правовых инициатив. - Москва: Информационная Служба США, 2000.